

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.31.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИНАКОВ ШЕРЗОДБЕК АЛИШЕРОВИЧ**

**ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ, УЛАРГА  
КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Инаков Шерзодбек Алишерович**

Ёлғиз кексалар саломатлик ҳолати, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш (Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти мисолида)..... 3

**Инаков Шерзодбек Алишерович**

Состояние здоровья, организация и совершенствование медико-социальной помощи одиноким пожилым (на примере г.Ташкента и Ташкентской области)..... 21

**Inakov Sherzodbek Alisherovich**

Health status of lonely elderly, organization and perfection of their medical-social care (in example of Tashkent city and Tashkent Region)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.31.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИНАКОВ ШЕРЗОДБЕК АЛИШЕРОВИЧ**

**ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ, УЛАРГА  
КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib585 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматқулов Баҳромжон**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ризаев Жасур Алимжанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шарипова Мадина Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жанубий-Қозоғистон тиббиёт академияси  
(Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100007, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz))

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс: (998971) 268 17 44.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.А.Асадов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «дунё аҳолиси кексайиб бормоқда ва яқин келажакда 65 ёшдан юқори шахсларнинг сони беш ёшгача бўлган болаларнинг сонидан ошиб кетиши кутилмоқда. Аҳолини демографик қариши иқтисодий муаммоларни вужудга келтириб, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимига бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келади. Ҳозирги кунда, соғлиқни сақлаш ҳаражатларининг 40% га яқини 65 ёш ва ундан юқори бўлган инсонларнинг узоқ муддатли парваришига ҳамда госпитализациясига сарфланмоқда»<sup>1</sup>. Ушбу демографик ва эпидемиологик ўзгаришлар жадал кечаётган урбанизация, модернизация, глобаллашув ҳамда хавф омиллари ва турмуш тарзининг муносиб тарзда ўзгариб бориши туфайли аҳоли орасида, айниқса, кекса ёшдаги шахслар орасида, сурункали касалликларнинг кўпайишига, уларнинг жисмоний фаоллиги ва ҳаёт сифатини пасайишига олиб келмоқда.

Дунё бўйича кўплаб сурункали касалликлар мавжуд бўлган қариялар гуруҳининг кўпайиши маълум даражада тиббий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, психологик ва маиший муаммоларга олиб келмоқда. Бу борада паллиатив ёрдамнинг сифати ва оммабоплигини ошириш, қарияларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, касалланишларнинг авж олиши ва асоратларини камайтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Охирги йилларда мамлакатимизда кекса ва қарияларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Республикаимизда «катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узоқ муддатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш»<sup>2</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда кекса ва қария ёшидаги шахсларнинг саломатлик ҳолати, касалланиши, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини комплекс тарзда чуқур ўрганиш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-

<sup>1</sup> World Health Organization, Global health and ageing. 2011, US National Institute on Ageing Bethesda.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги №ПҚ-2705-сон «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Қарияларнинг саломатлик ҳолати ҳамда уларнинг касалланиши ёш ва жинс хусусиятларига боғлиқ бўлиб, кўпроқ ёлғизлик ҳиссини бошидан кечириш билан биргаликда уларда функционал имкониятларнинг пасайиш хавфи юқори бўлиб, атрофдагилар ёрдамига кўпроқ муҳтожлик пайдо қилади ҳамда ўз навбатида, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг кенг кўламини қўлланилишини талаб қилади. Шу муносабат билан, АҚШда қарияларнинг касалланиши, руҳий ва жисмоний ҳолати аниқланган (С.К.Cassel 2003 й.; А.Т.Веekman 2008 й.; F.W.Booth 2012 й.), Швейцарияда кекса ва қария ёшидаги шахсларга паллиатив ёрдамнинг хусусиятлари кўрсатилган (F.Colombo et al 2011 й.), Россияда қарияларнинг ёлғизлик муаммолари (С.Л.Гусева 2012 й.), уларнинг руҳий саломатлик ҳолатлари аниқланган (И.Н.Мороз, Т.Г.Светлович 2014 й.), қарияларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштиришда амбулатор-поликлиника ёрдамнинг муҳим жиҳатлари кўрсатилган (О.А.Петрова 2016 й.), кекса ва қарияларга гериатрик ёрдамни ўзига хос муаммоларига (И.П.Пономарева ва бошқалар 2017 й.) бағишланган тадқиқотлар турли олимлар томонидан олиб борилган.

Охирги йилларда Ўзбекистонда қарияларнинг касалланиши аниқланган (Б.Эшдавлатов 2002 й.), кекса ёшдагиларда алкоголизм муаммолари кўрсатилган (З.Ш. Ашуров 2013 й.), қарияларнинг диспансеризацияси (Д.Ш.Хайтимбетов 2015 й.) ҳамда турмуш сифатини (Д.Ж.Анниёзова 2017 й.) баҳолашга бағишланган айрим тадқиқотлар мамлакатимизнинг айрим вилоятларида амалга оширилган.

Аmmo, ҳозирги замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ёлғиз қарияларнинг саломатлик ҳолатини уларнинг турмуш шароити, тарзи ва ҳаёт сифатини эътиборга олган ҳолда турли ёш-жинс гуруҳларида ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни уларнинг ижтимоий тоифалари бўйича комплекс тарзда интеграллашган ҳолда ўрганилмаган ҳамда уларнинг саломатлигини яхшилаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011500217 – «Ўзбекистон Республикаси турли аҳоли гуруҳлари орасида саломатлик кўрсаткичлари ва яшаш муҳитини яхшилаш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёлғиз кексаларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кексалар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйларида ҳамда ўз хонадонларида ёлғиз истиқомат қилувчи кексаларнинг ижтимоий-демографик тавсифлари таҳлилини ўтказиш;

кекса ва қария ёшдаги шахсларнинг ижтимоий тоифаларини инобатга олган ҳолда ёш-жинс бўйича касалланиш хусусиятларини ўрганиш;

ёлғиз кекса ва қария ёшдаги шахсларнинг турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини ўрганиш, саломатлигига таъсир кўрсатувчи хавф омилларини аниқлаш, ва уларни баҳолаш бўйича прогностик жадвални ишлаб чиқиш;

кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ҳозирги ҳолати, уни ташкил этилганлиги, ўрганилаётган аҳоли қатламларининг ундан қониқиш даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ёлғиз кексаларни саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

**Тадқиқот объекти:** Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган меҳнат қилиш қобилиятдан юқори ёшда бўлган шахслар: ўз уйларида ёлғиз (310) ва «Саховат» интернат-уйларида истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар (240), шунингдек ўз оила аъзолари билан истиқомат қилаётган кексалар (597). Жами - 1147 та кекса ва қариялар олинган.

**Тадқиқот предмети:** ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, касалланиши, уларнинг турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифати, ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ҳолати ва ташкил этилганлиги.

**Тадқиқот усуллари:** ёлғиз қариялар саломатлигини ўрганиш учун кўп босқичли тасодифий танлов усули (кластер, стратификация), эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик ва статистик усуллари ҳамда эксперт баҳолаш усули қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кекса ва қариялар орасида ажрашиш ва турмуш ўртоғини йўқотиш уларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи, оила ва қариндошлари

атрофида истиқомат қилиш эса ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар эканлиги исботланган;

қарияларнинг ўртача касалланиш даражаси 1000 нафар ўрганилаётган контингентга 1492,3 ҳолатни ташкил қилиши, барча рўйхатга олинган касалликларнинг 68,0% ни қон айланиш тизими касалликлари, суяк-мушак тизими ва овқат ҳазм қилиш касалликлари ташкил этганлиги аниқланган;

кекса ва қарияларнинг касалланишларини келиб чиқишида ёш, жинс, ижтимоий тоифа, турмуш шароити, турар жойнинг психологик муҳити, чекиш, алкоголь истъеомол қилиш, тана вазни индекси ва жисмоний фаоллик етакчи хавф омиллар эканлиги исботланган;

Ёлғиз ўз уйларида ва «Саховат» интернат-уйларида истиқомат қилувчи қариялар ўзгалар ёрдамига кўпроқ муҳтожлиги, ёш улғайиши билан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, ҳаракатланиш ва парвариш қилиш қобилиятларининг кўпроқ пасайиши аниқланган;

ўз оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қариялар вақт ва атроф муҳитга нисбатан яхши ориентацияга эгаллиги ва топшириқларни бажаришга кўпроқ мойил эканликлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кекса ва қария ёшидаги шахслар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат сифатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

қарияларга тиббий ва ижтимоий ёрдамни, жумладан, овқатланиш, турмуш ва ҳордиқни, ижтимоий-тиббий, санитар-гигиеник ва ҳуқуқий хизматларни уларнинг тоифаси, ёши, жинси ҳамда саломатлигини эътиборга олган ҳолда ташкиллаштириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг фаолиятига, ёлғиз қарияларнинг касалланиш даражасига таъсир кўрсатувчи хавф омилларини кенг қамровли интеграллашган баҳолаш, уларнинг саломатлигини сақлашга қаратилган индивидуал ва мақсадли даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берувчи прогностик жадвал ишлаб чиқилган;

тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасалар учун қарияларни соғломлаштиришда нафақат асосий хавф омилларини, балки қариянинг саломатлик ҳолатини аниқлаган ҳолда ўз вақтида керакли ёрдам кўрсатиш ҳамда шифокорга хабар бериш, уларнинг умрини узайтиришга ҳамда кўрсатилаётган хизматлардан қарияларнинг қониқишини ошишига ва сабабсиз тиббий-профлактика муассасаларига мурожаатлар сонини камайишига олиб келиш имконини берувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, санитария-статистик, эксперт баҳолаш усуллар билан



тасдиқланган ҳамда бирламчи материаллар ҳажми ва сонининг етарли даражада бўлиши, таҳлилий ва прогностик кўрсаткичларнинг такомиллашганлиги, статистик таҳлил усулларини асосли танланганлиги, тўғри қўлланилганлиги, тадқиқот материалларини республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ҳамда нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги хулосалар ва тадқиқот натижаларининг ишончлилигини ва асосланганлигини кўрсатади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар ёлғиз кекса ва қария ёшдаги шахсларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши ва Ўзбекистонда кекса ва қарияларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кекса ва қария ёшидаги шахслар ижтимоий тоифаларини, касалланишларининг ёш-жинс хусусиятларини ҳамда уларнинг ижтимоий-демографик характеристикаларини эътиборга олган ҳолда бир қатор илмий-асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилганлиги, ўрганилаётган аҳоли контингенти орасида хавф гуруҳларини аниқлаган ҳолда саломатлик ҳолатини баҳолашга ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирилган индивидуал даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек ёлғиз қарияларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматни ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берувчи тизимли ёндашувга асосланган комплекс чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёлғиз қарияларнинг саломатлик ҳолати, турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

«Қарияларда касалланишнинг ривожланиш хавфини интеграллашган комплекс баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 8н-д/241-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ёлғиз қариялар саломатлик ҳолатини яхшилаш, уларнинг касалланишини барвақт аниқлаш ҳамда индивидуал дифференциаллашган даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради;

«Ёлғиз қариялар учун деменцияни барвақт аниқлаш бўйича CDR-саволномасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 8н-д/241-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қариялардаги клиник деменцияни эрта босқичларда аниқлаш имконини ҳамда уларга индивидуал дифференциаллашган даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўтказиш йўли билан қарияларнинг ҳаёт сифатини ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишини яхшилаш имконини беради.

Ёлғиз кексалар саломатлик ҳолати, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштиришга қаратилган тизимли тадқиқот таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Андижон кексалар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйи, Наманган кексалар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйи, Охангарон кексалар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 8н-з/262-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар тиббий-ижтимоий муассасаларнинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошишига, васийликка олинган қарияларнинг саломатлигини ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамдан қониқиш ҳиссини ошириш имконини берди. Натижада «Эътибор» гуруҳига киритилган ёлғиз қарияларнинг касалланиш хавфини 35% га камайишига, материал ва меҳнат ресурсларни 1,3 мартага иқтисод қилишга ва васийликка олинган қарияларнинг ҳаёт сифатини 1,9 мартага оширишга эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация материаллари бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 2 та услубий тавсиянома, 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шулардан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

**Кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги ва олиб борилган илмий тадқиқотларнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот Республикада амалга оширилаётган фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кекса ёшдаги шахсларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг тиббий-ижтимоий қирралари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда кекса ёшдаги шахсларнинг

саломатлигини ижтимоий-демографик хусусиятлари, уларнинг касалланиши, турмуш тарзи ва ҳаёт сифати, ҳамда уларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган ва ҳозирги кунда ёлғиз кексаларнинг саломатлик ҳолати ва уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ўрганиш бўйича мукамалроқ тизимли тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифа эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Ёлғиз кексалар саломатлик ҳолати ва уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни ўрганиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда, қарияларнинг саломатлик ҳолати, касалланиши ва касалликлар ривожланишининг хавф омиллари, уларнинг турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат ҳолатини ўрганишда қўлланилган тадқиқот усуллариининг хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқот мақсади ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун кўп поғоналик тасодифий танлов усули қўлланилган (кластер усули ва стратификацияланган танлов). Жами 2 та кластер танланган (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) бўлиб, тадқиқот объектини ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилаётган кексалар (310), «Саховат» интернат-уйларида истиқомат қилаётган кексалар (240), шунингдек, ўз оила аъзолари билан истиқомат қилаётган кексалар (597) ташкил қилди. Жами 1147 та кекса ва қариялар олинган. Тадқиқот кекса ва ногиронлар учун интернат уйлари (Охангарон кекса ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйи ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати) ҳамда 7 та даволаш муассасалари (5 та амбулатор ва 2 та стационар)да олиб борилди.

Ретроспектив тадқиқот усули ёрдамида танланган мажмуанинг ёш-жинс, ижтимоий тоифа гуруҳлари бўйича мурожаатлар асосидаги касалланишлари 3 йиллик динамикада ўрганилган (2015-2017 йй.) бўлиб, бу ўз навбатида танланган мажмуанинг ҳажми ва кузатувлар сонини 3441 тагача кўпайишига ҳамда тадқиқот натижаларининг ишончлилигини янада ошишига олиб келди.

Социологик тадқиқот усули ёрдамида қарияларнинг турмуш шароити, турмуш тарзи ҳамда ҳаёт сифати ва уларнинг тиббий-ижтимоий ёрдамдан қониқиши сўров-интервью йўли билан ўрганилди. Барча маълумотлар «Қарияларнинг турмуш шароити ва турмуш тарзини ўрганиш анкетаси» ва «Қарияларга тиббий-ижтимоий ёрдамни баҳолаш картаси»га киритилди. Ҳаёт сифатини баҳолаш Лондон университетининг коллежи томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бизнинг худудга мослаштирилган «Қарияларнинг ҳаёт сифати саволномаси-35» номли анкета ёрдамида амалга оширилди. Танлаб олинган қариялар учун ишлаб чиқилган комплекс анкета ёрдамида ижтимоий сўровнома ўтказилиб, уларнинг қабул қилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамдан қониқиши ҳолати ўрганилган.

Эксперт баҳолаш ва тизимли таҳлил усули ёрдамида ўрганилаётган аҳоли контингентига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ташкил этилиши, унинг сифати ва самарадорлиги ўрганилган. Тиббий-ижтимоий

ёрдамни ташкил этиш масалалари, тиббий ва ижтимоий персоналнинг потенциалидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишни комплекс тарзда ўрганиш соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларидаги тиббий-ижтимоий ходимларни бошқаришни мувофиқлаштиришнинг инновацион ташкилий-иқтисодий ёндашувларини тадбиқ этишга асос бўлди.

Маълумотларни статистик таҳлил қилишда нисбий ва ўртача қийматлар аниқланди, нисбий ва ўртача қийматлар хатоликлари топилди. Танланган мажмуа хусусиятларини таққослашда фарқлар ишончлилигини баҳолашда t-Студент критерияси қўлланилди. Корреляцион алоқаларнинг боғлиқлик кўрсаткичларини ўзаро алоқадорлигини ўрганишда жуфтлик корреляцияси, мослик кўрсаткичи, мувофиқлаштирилган интенсив кўрсаткич (N), нисбий хавф кўрсаткичи (R), истиқболлик коэффициенти (X), меъёрий катталиқ (M) ҳисобланди.

Шундай қилиб, қўлланилган комплекс тадқиқот усули қарияларнинг саломатлик ҳолати, турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини ҳамда уларга ташкил этилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ҳолатини ва қарияларнинг ундан қониққанлик даражасини ўрганиш учун етарли даражада имкон берди.

Диссертациянинг **«Кекса ёшдаги шахсларнинг ижтимоий-демографик тавсифи, касалланишлар ва касалликларнинг ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи қарияларнинг ижтимоий-демографик таснифи ҳамда уларнинг турмуш шароити, турмуш тарзининг ўзига хослик хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқотга жалб этилган кекса ва қарияларнинг ўртача ёши  $72,5 \pm 1,6$  ёшни ташкил қилди. Барча респондентлар орасида 75 ва ундан юқори ёш гуруҳига мансуб шахслар энг кўп эҳтиёжманд ва тиббий ёрдамга муҳтож тоифага кириши аниқланди. Оилавий ҳолати тузилишида ўзини «бева» деб ҳисоблаган қариялар кўпчилиқни ташкил этган ( $40,6 \pm 1,5\%$ ). Кекса ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйларида аёлларга (35,4%) нисбатан, кўпроқ эркеклар (64,6%), ҳамда бошланғич маълумотга (31,7%) эга бўлган қариялар истиқомат қилиши аниқланган. Ёлғиз истиқомат қилувчи қарияларнинг 23,7-38,3%, оиласи билан истиқомат қилувчи қарияларнинг 51,2% уй шароитларини яхши деб баҳолашган.


Ўз хонадонларида ёлғиз истиқомат қилувчи қарияларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи, кекса ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйларида истиқомат қилувчиларга нисбатан, оммавий ахборот воситаларига эга эмаслиги аниқланган. Қариялар контингентининг 1/5 қисми (24,9%) паст-интенсивдаги жисмоний машқлар билан шуғулланган. Жисмоний машқ билан шуғулланувчи қариялар орасида, ўз оила аъзолари билан истиқомат қилувчилар кўпчилиқни ташкил этганлиги аниқланган.

Интернат уйларидаги респондентлар ( $54,6 \pm 3,2\%$ ) ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилувчи қарияларга нисбатан 2 марта, оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қарияларга нисбатан эса 3 марта кўпроқ тамаки

маҳсулотларини чекиши аниқланган. Худди шундай вазият алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилувчилар орасида ҳам кузатилган, яъни, алкоголь истеъмол қилувчилар интернат уйларида истиқомат қилувчилар орасида ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилувчиларга нисбатан 3 марта, оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қарияларга нисбатан 6 марта кўпроқ эканлиги кузатилган.

Кекса ёшдаги шахсларнинг тиббий-профилактика муассасаларига мурожаатлари бўйича аниқланган умумий касалланиш даражаси ўртача 1492,3%<sub>0</sub> ни ташкил қилган. Қарияларнинг ёши улғайиши билан уларнинг умумий касалланиш даражаси ( $r=0,71\pm 0,04$ ) ва комплекс патологиялар улуши ортиб бориши аниқланган. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, кекса ёшдаги шахсларнинг касалланиши кўрсаткичи (1492,3%<sub>0</sub>), аҳолининг умумий касалланиш (897,3%<sub>0</sub>) даражасига нисбатан 1,7 мартага юқорилиги исботланди.


Кекса ёшдаги шахсларнинг умумий касалланиш кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳридаги (1348,7%<sub>0</sub>) тадқиқот гуруҳи орасида касалланиш кўрсаткичи Тошкент вилоятидагига (1697,0%<sub>0</sub>), жамми аёлларда эса эркакларга нисбатан етарли даражада паст кўрсаткичлар кузатилган (ўз навбатида, 1256,2%<sub>0</sub> ва 1711,2%<sub>0</sub>). Бироқ, ўтказилган стандартлаштириш шуни кўрсатдики, агарда тадқиқотдаги гуруҳлар худуд ва жинс бўйича бир хил бўлганида Тошкент шаҳрида ҳамда эркаклар орасида касалланиш даражаси Тошкент вилоятига ва аёлларга нисбатан юқори бўлишлиги қайд этилган (расм 1).



**Расм 1. Ўрганилган худудлар ва жинс бўйича умумий касалланиш даражаси ва стандартлаштирилган кўрсаткичлар (1000 қарияга)**

Кекса ва қарияларнинг умумий касалланишларининг таркиби ва частотаси бўйича қон айланиш тизими, суяк-мушак тизими, овқат хазм қилиш аъзолари, нафас олиш аъзолари ва эндокрин тизими ҳамда сийдик ажратиш тизими касалликлари етакчи ўринларни эгаллаб турибди (расм 2).

Санаб ўтилган касалликлар кекса ва қарияларда қайд этилган барча касалликларнинг 84,9% ни ташкил қилди. Умумий касалланишнинг таркиби худудлар, ёш ва ижтимоий тоифалар бўйича таҳлил қилинганида, улар бир бирларидан етакчи касалланиш синфлари ва нозологик шакллари бўйича частотаси ва тарқалганлиги билан фарқ қилганлиги аниқланди.



**Расм 2. Кекса ёшдаги шахсларнинг умумий касалланиш таркиби (%)**

Жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида биринчи ва иккинчи ўринларни қон айланиш тизими касалликлари (ўз навбатида 731,5% ва 692,7%) ва суяк-мушак тизими касалликлари (ўз навбатида 195,4% ва 203,7%), ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилувчи қариялар орасида қон ва қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари (89,2%) ва эндокрин тизими касалликлари (87,1%) кўпроқ учраган бўлса, ўз оиласи билан истиқомат қилувчи қариялар орасида эса овқат хазм қилиш аъзолари (130,1%) ва нафас олиш аъзолари касалликлари (121,2%) кўпроқ рўйхатга олинган.

Кекса ва қарияларнинг касалланишларининг келиб чиқишида ёш, жинс, ижтимоий тоифа, турмуш шароити, турар жойнинг психологик муҳити, чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, тана вазни индекси ва жисмоний фаоллик етакчи хавф омиллар эканлиги аниқланди.

Қарияларнинг касалланиш кўрсаткичлари ва хавф омиллари асосида тузилган прогностик жадвал патологик хавфнинг эҳтимоллигини аниқлаш ва маълум қарияга тегишли бўлган нисбий хавф кўрсаткичларини ҳисоблаш, уни тегишли хавф гуруҳига ажратиш ҳамда индивидуал даволаш-соғломлаштириш, турмуш шароити ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартириш бўйича чора-тадбирларни асослаш имконини беради.


Диссертациянинг «**Қарияларнинг психофизик хусусиятлари ва уларнинг ҳаёт сифатини комплекс баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида қариялар психофизик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ҳаёт сифатини комплекс баҳолаш натижалари келтирилган.

Қарияларнинг руҳий ҳолати ўрганилганда, эркакларда аёлларга нисбатан вақт ва атроф муҳитга нисбатан яхши ориентацияга эгаллиги (9,0 нисбатан 7,5

балл), шунингдек улар, озиқ-овқат харид қилиш учун шаҳобча ёки бозорга боришда, ўз ҳовлиси, кўчаси ва шаҳри доирасида ҳаракатланиш қобилияти юқори эканлиги (7,2 нисбатан 4,4 балл) аниқланган. Кекса аёлларда эса жисмоний ҳолат эркакларга нисбатан яхшироқ эканлиги аниқланган ва у «топшириқларни бажариш» (10,3 нисбатан 8,8 балл), «парвариш қилиш қобилияти» (8,5 нисбатан 5,3 балл) ҳамда «ўз-ўзига хизмат кўрсатиш» (7,9 нисбатан 6,8 балл) каби соҳаларидаги фаолият балларининг юқори эканлиги билан тасдиқланган.

Оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қариялар вақт ва атроф муҳитга нисбатан яхши ориентацияга эгалиги, топшириқларни бажаришга кўпроқ мойил эканликлари ҳамда оила аъзоларига овқат тайёрлаш каби ишларда ёрдам бериши аниқланган. Ёлғиз ўз уйларида истиқомат қилувчи қариялар, «Саховат» интернат уйларидаги қарияларга нисбатан ҳаракатчанроқ эканлиги, уларнинг озиқ-овқат харид қилиш учун шаҳобча ёки бозорга боришда, ўз ҳовлиси, кўчаси ва шаҳри доирасида ҳаракатланиш қобилияти юқори баллар билан тасдиқланган. Шунингдек, улар рўзғор вазифаларини, жумладан, ўзига овқат тайёрлаш, чой қайнатиш, ахлат тўкиш ҳамда ётоқ жойини тўғирлаш ва душ қабул қилиш каби вазифаларни кўпроқ бажарган.

Кекса ёшдаги шахсларда ўртача ҳаёт сифат кўрсаткичи жами 175 баллдан, умуман олганда минимум 35 ва максимум 150 баллар орасида ўзгарган ҳолда, 91,71 баллга, стандарт оғиш  $\pm 16,6$  билан тенг бўлди. Ёш ошиши билан ҳаёт сифатини пасайиши кузатилди ( $F=2,105$ ,  $p<0,05$ ) (расм 3).



**Расм 3. Қарияларнинг ҳаёт сифатини ёшлари бўйича баҳоланиши**

Тошкент шаҳридаги қарияларда ҳаёт сифатининг «уй ва атроф муҳит» ( $12,8 \pm 3,4$ ), «ижтимоий муносабатлар» ( $11,4 \pm 2,8$ ) ва «молиявий аҳволи» ( $10,9 \pm 2,2$ ) соҳаларидаги баллар юқори бўлиб, Тошкент вилоятидаги қарияларда эса ҳаёт сифатининг «психологик ва эмоционал фаровонлик» ( $12,1 \pm 2,4$ ), «ҳаёт, умуман олганда» ( $11,4 \pm 2,7$ ) ва «ижтимоий муносабатлар» ( $10,8 \pm 2,5$ ) соҳаларидаги баллар юқори бўлган.

Ёлғиз ўз уйларида ҳамда «Саховат» интернат уйларида истиқомат қилувчи қариялар ўзгалар парваришига кўпроқ мухтожлиги, улар ҳаёт сифатининг «молиявий аҳволи», «саломатлик» ва «мустақиллик, ҳаёт ва эркинлик назорати» соҳаларидаги кўрсаткичларнинг пастиги билан аниқланган (жадвал 1).

**Жадвал 1.**

**Ҳаёт сифати соҳалари ўртача кўрсаткичининг қариялар ижтимоий тоифаларига кўра тақсимланиши**

Ҳаёт сифати соҳалари	I тоифа*	II тоифа**	III тоифа ***
Ўртача ҳаёт сифати кўрсаткичи	88,7±11,2	93,4±12,4	96,6±11,4
Ҳаёт, умуман олганда	10,6±2,2	10,4±2,4	10,6±2,1
Саломатлик	9,8±2,0	10,8±2,2	10,8±2,1
Ижтимоий муносабатлар	10,4±2,1	12,8±1,9	13,4±2,2
Мустақиллик, ҳаёт ва эркинликни назорати	10,1±2,3	9,8±2,0	10,5±2,4
Уй ва атроф муҳит	11,2±2,1	10,4±2,1	11,6±1,7
Психологик ва эмоционал фаровонлик	10,2±2,2	10,1±2,1	10,7±2,2
Молиявий аҳволи	9,7±1,8	9,9±2,2	10,8±1,9
Ҳордик ва фаолият	16,7±2,6	19,2±2,5	18,2±2,1

\*Ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилувчи қариялар

\*\* «Саховат» интернат уйларида истиқомат қилувчи қариялар

\*\*\*Оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қариялар

Тадқиқот гуруҳларида ҳаёт сифатининг ўртача кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (92,16) Тошкент вилоятига (90,65) нисбатан юқорироқ бўлган. Эркаклар (90,2) ўз ҳаёт сифатини аёлларга (93,1) нисбатан пастроқ баҳолаган. Интернат уйларидаги қариялар ҳамда ўз оиласида истиқомат қилувчи қариялар ўз ҳаёт сифатини «яхши» (ўз навбатида, 93,4 ва 96,6) деб, ёлғиз ўз уйларида истиқомат қилувчи қариялар эса «ёмон» (88,7) деб баҳолаган.

Диссертациянинг «**Кексаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат ва уни яхшилаш йўллари**» деб номланган бешинчи бобида кекса аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолияти ҳамда кўрсатилаётган хизматлардан ёлғиз қарияларнинг қониқиш ҳосил қилиши ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати ва Охангарон «Саховат» интернат уйининг штат бирликлари 2018 йили (ўз навбатида, 77,0 ва 117,5 бирлик) 2016 йилга нисбатан ортган (74,75 ва 84,25 бирлик), шу билан биргаликда иккала муассасаларда васийликка олинганлар сони 2018 йили (100 ва 159) 2016 йилга нисбатан ортиши кузатилган (84 ва 143). Охангарон «Саховат» интернат уйининг бюджети Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатига нисбатан камроқ бўлиб, 2018 йили хомийларнинг 132 млн сўм миқдоридаги қўшимча ёрдами билан тўлдирилганлиги аниқланган. Шу билан биргаликда Тошкент шаҳридаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг бюджети хомийларнинг озик овқат, дори дармон, тиббий ускуна ва маиший асбоблар кўринишидаги ёрдами туфайли тежалган.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кекса ва қария ёшдаги шахслар томонидан амбулатор-поликlinik муассасаларга мурожаатлар сони (ўртача 1 та аҳолига), республика кўрсаткичига (2016 йили 9,2 дан 2018 йили 9,5 та мурожаатгача) нисбатан йилдан-йилга мунтазам равишда ортиб бормоқда (2016 йили 12,7 дан 2018 йили 15,2 мурожаатгача).

Ёлғиз кексаларнинг шифохоналарга госпитализацияси кўп ҳолларда ҳам тиббий, ҳам ижтимоий кўрсатмалар туфайли амалга оширилмоқда. 7-шаҳар клиник шифохонасида (Тошкент шаҳри) ва Қибрай марказий туман шифохонасида (Тошкент вилояти) кекса ва қария ёшдаги шахсларга кўрсатилаётган стационар ёрдамни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча госпитализация қилинган кекса ва қария ёшдаги шахсларнинг 2/3 қисми юрак қон томир касалликлари (65,4%), ундан сўнг асаб тизими (10,1%), суяк-мушак тизими (9,6%), нафас олиш аъзолари (7,7%) ҳамда эндокрин тизими касалликлари (3,4%) ташкил қилган. Санаб ўтилган касалликлар барча госпитализация қилинган кекса ва қария ёшдаги шахсларнинг 96,2% ни ташкил қилди (жадвал 2).

**Жадвал 2**

**Тошкент шаҳрининг 7-шаҳар клиник шифохонаси ва Қибрай марказий туман шифохонасида кекса ва қария ёшдаги шахсларга кўрсатилган стационар ёрдам кўлами (ўртача ҳисобда 2016-2018 йй.)**

Касалликлар номи	Жами даволанган қариялар сони (%)	Ўринда кекса қарияларнинг ўртача ётиш давомийлиги (кун)
Қон ва қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари	1,9	10,0
Эндокрин тизими касалликлари	3,4	9,0
Асаб тизими касалликлари	10,1	9,8
Қон айланиш тизими касалликлари	65,4	9,7
Нафас олиш аъзолари касалликлари	7,7	11,2
Овқат хазм қилиш аъзолари касалликлари	1,9	10,0
Суяк-мушак тизими касалликлари	9,6	9,6
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>9,76</b>

Госпитализация қилинган касалликлар таҳлили шуни кўрсатадики, кекса ва қария ёшидаги шахслар орасида комплекс патологияларнинг улуши ортиб бормоқда. Кекса ёшдагиларнинг стационардаги ўртача ётиш давомийлиги 9,0 дан 11,2 кунгача оралиғида бўлиб, ўртача 9,76 кунни ташкил қилди.

Кекса ёшдаги шахсларнинг интернат уйларига мурожаатининг асосий сабаби бўлиб ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва саломатлиги билан боғлиқ муаммолар эканлиги аниқланган. Барча респондентлар кекса беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат ва уларнинг турларини етарли эканлигини, уларга тўлиқ парвариш кўрсатилаётганлигини, муассаса

ходимларининг мижозлар билан мулойим ва дўстона муносабатда бўлаётганлигини эътироф этишди. Деярли барча тадқиқотга жалб этилган кекса ва қариялар (97,8%) муассасанинг санитар-гигиеник ҳолатидан, овқат рационидан (79,6%) қониқиш ҳосил қилгани ҳолда, аксарияти тиббий-ижтимоий муассаса ходимлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатидан қониқмаганлигини қайд этишди. Мижозлар дам олишни ташкил этилганлиги, жумладан, театр, концертлар, музейларга ташриф буюришаётганлигини ҳамда интернат уйларида кутубхоналарнинг мавжудлигини ижобий баҳолаганлар. Мижозларнинг кўп қисми интернат уйларидаги кичик ошхоналарнинг мавжудлигини, у ерда ўзларига эҳтиёж сезилганда овқат тайёрлаш имкони борлигини эътироф этган. Ижтимоий хизмат сифатини беш баллик шкала бўйича баҳолаганида, барча мижозлардан 20,3% - аъло, 34,7% - яхши, 32,1% - қониқарли ва 12,9% қониқарсиз деб баҳолаган.

Ўзбекистон аҳолисининг орасида давомий равишда кекса ва қария ёшидагиларнинг улушини ортиб бориши муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда кекса ва қарияларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматни янада яхшилаш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун уларнинг яшаш жойи тоифасини («Саховат» интернат уйида, ёлғиз ўзи ўз уйида, оилада оила аъзолари билан бирга), ёш-жинс хусусиятларини, саломатлик ҳолатини эътиборга олган ҳолда, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасаларида ишлаш учун шифокор-гериатрларни, биринчи навбатда ҳамшираларни тиббий-ижтимоий хизмат ва унга муҳтож бўлган жамият аъзолари орасида воситачи ва бевосита тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этувчи ва кўрсатувчи эканлигини эътиборга олган ҳолда уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини яратиш, амбулатор-поликлиника муассасаларида кундузги стационар ва уйдаги стационар типидagi узоқ муддатли ижтимоий-реабилитация бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ХУЛОСАЛАР

«Ёлғиз кексалар саломатлик ҳолати, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида)» мавзусида олиб борилган тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация тадқиқоти асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Тадқиқотга жалб этилган кекса ва қарияларнинг ўртача ёши  $72,5 \pm 1,6$  ёшни ташкил қилди. Оилавий ҳолати бўйича ўзини «бева» деб эътироф этган қариялар  $40,6 \pm 1,5\%$  ташкил этди. «Саховат» интернат уйларида кўпроқ эркаклар ( $64,6\%$ ), ҳамда бошланғич маълумотга ( $31,7\%$ ) эга бўлган кекса шахслар истиқомат қилаётганлиги аниқланди.

2. Кекса ва қарияларнинг ўртача касалланиш кўрсаткичи 1492,3% ни ташкил қилди. Кексаларнинг ёши улғайиши билан уларнинг умумий касалланиш даражаси ҳамда комплекс патологиялар улуши ортиб борган ( $r=0,71\pm 0,04$ ). Умумий касалланиш таркиби ва частотасида етакчи ўринларни қон айланиш тизими, суяк-мушак тизими, овқат хазм қилиш аъзолари, нафас олиш аъзолари, эндокрин тизими ва сийдик-таносил тизими касалликлари ташкил қилган. Санаб ўтилган касалликлари синфи кекса ва қарияларда рўйхатга олинган жами касалликларнинг 84,9% ни ташкил қилган.

3. Кекса ва қариялар касалланишларининг келиб чиқишида ёш, жинс, турмуш шароити, турар жойнинг психологик муҳити, чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, тана вазни индекси ва жисмоний фаоллик етакчи хавф омиллар эканлиги аниқланган.

4. Қарияларнинг касалланиш хавфини ва касалликнинг авж олишини барвақт аниқлашга ёрдам берувчи прогностик жадвални амалиётда қўллаш, ҳар бир тегишли омил бўйича, нисбий хавф кўрсаткичини ҳисоблаш, кекса шахсларнинг хавф гуруҳларини аниқлаш, тиббий-ижтимоий муассаса ходимлари томонидан уларнинг турмуш тарзи ва шароитларини ўзгартирган ҳолда мақсадли даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

5. Кекса, қария ва узоқ умр кўрувчи ёш гуруҳларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш (тегишли равишда, 8,3; 7,1; 5,4), ҳаракат қилиш (7,2; 4,3; 3,6) ва парвариш қилиш (7,8; 6,6; 5,5) қобилиятларининг пасайиб бориши кузатилган. Кекса эркакларда, аёлларга нисбатан вақт ва атроф муҳитга нисбатан яхши ориентацияга эгаллиги (9,0 нисбатан 7,5 балл), шунингдек ўз ҳовлиси, кўчаси ва шаҳри доирасида ҳаракатланиш қобилиятининг юқори эканлиги (7,2 нисбатан 4,4 балл) аниқланган. Кекса аёлларда эса жисмоний ҳолат эркакларга нисбатан яхшироқ бўлиб, парвариш қилиш ва ўз-ўзига хизмат қилиш каби ишларни бажаришга кўпроқ мойил эканлиги аниқланган. Оила аъзолари билан истиқомат қилувчи қариялар вақт ва атроф муҳитга нисбатан яхши ориентацияга эгаллиги, топшириқларни бажаришга мойил эканликлари ҳамда оила ишларига кўпроқ жалб қилинганликлари аниқланган. Ўз уйларида ёлғиз истиқомат қилувчи қариялар эса ҳаракатчанроқ эканлиги, ўз ҳовлиси, бозор-ўчарга, кўчасига кўпроқ чиқиши ҳамда рўзғор вазифаларини бажаришга кўпроқ мойил эканлиги аниқланган.

6. Ўрганилган мажмуанинг ҳаёт сифати кўрсаткичи, жами 175 баллар ичидан, 91,71 га тенг бўлиб, стандарт оғиш  $\pm 16,6$  га тенг бўлди. Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи қарияларнинг ҳаёт сифати Тошкент вилоятига нисбатан юқорироқ бўлган (92,1 нисбатан 90,2). Эркаклар (90,2) ўз ҳаёт сифатини аёлларга (93,1) нисбатан пастроқ баҳолаган. Ёш ошиши билан ҳаёт сифатини пасайиши кузатилган. Ёлғиз ўз уйларида ҳамда «Саховат» интернат уйларида истиқомат қилувчи қариялар ўзгалар парваришига кўпроқ муҳтожлиги, улар ҳаёт сифатининг «молиявий аҳволи», «саломатлик» ва «мустақиллик, ҳаёт ва эркинлик назорати» соҳаларидаги кўрсаткичларнинг пастлиги билан аниқланган.

7. Амбулатор-поликлиник муассасаларга ташрифлар сони ўртача 1 та аҳолига 2018 йили республика бўйича 9,2 ни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич 1 та кекса ва қарияларга 15,2 ни ташкил қилган. Ўрганилаётган йил учун, кекса ёшдаги беморларнинг шифохона ўринларида ётиш давомийлиги 9,0 дан 11,2 кунга тенг бўлиб, ўртача 9,76 кунни ташкил қилган. Барча шифохонада ётиб даволанган кекса ва қария ёшдаги беморларнинг 2/3 (65,4%) қисми қон айланиш тизими касалликлари туфайли содир бўлган.

8. Кекса ёшдаги шахсларнинг интернат уйларига ташрифнинг асосий сабабларидан бири ёлғиз кексаларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ҳисобланган. Барча кекса беморлар уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар кўлами ҳамда ёрдам турлари етарли эканлигини эътироф этган. Деярли барча респондентлар, (97,8%), муассасанинг санитар-гигиеник шароитларидан ва озиқ-овқатлардан (79,6%) қониққанлигини эътироф этган ҳолда, тиббий-ижтимоий муассаса ходимлари томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатидан маъмнун эмаслигини қайд этишди. Шунингдек, респондентлар дам олиш соатларини ташкил этилганлиги: театр, концертлар, музейларга ташриф ва интернат уйида мавжуд бўлган кутубхонани ҳамда овқат қилиш имконини берувчи мини-ошхонанинг мавжудлигини ижобий деб эътироф этишган. Ижтимоий хизмат сифатини 5 баллик шкала бўйича баҳолаш давомида қариялар 20,3% ҳолларда аъло, 34,7% - яхши, 32,1% - қониқарли ва 12,9% ҳолларда қониқарсиз деб баҳолаган.

9. Қарияларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун нафақа ёшидаги шахсларга ёрдам кўрсатиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, тиббий ва ижтимоий хизматнинг гериатрия бўлимларида фаолият кўрсатиш учун шифокор-гериатрларни, ҳамшираларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, гериатрик бўлимларда, амбулатор-поликлиника муассасаларда кекса ва қариялар учун кундузги стационар ва уйда стационар туридаги ижтимоий-даволаш-реабилитация ёрдамини ташкил этиш лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ИНСТИТУТЕ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**ИНАКОВ ШЕРЗОДБЕК АЛИШЕРОВИЧ**

**СОСТОЯНИЕ ЗДОРОВЬЯ, ОРГАНИЗАЦИЯ И  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕДИКО-СОЦИАЛЬНОЙ ПОМОЩИ  
ОДИНОКИМ ПОЖИЛЫМ (НА ПРИМЕРЕ Г.ТАШКЕНТА И  
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**14.00.33.-Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ–2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.1. PhD/Tib585**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Маматкулов Бахромжон</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ризаев Жасур Алимжанович</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Шарипова Мадина Каримовна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Южно-Казахстанская медицинская академия (Казахстан)</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Разового Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (Адрес: 100007, г.Ташкент, ул.Паркентская, 51. Телефон/факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100007, г.Ташкент, ул. Паркентская, 51. Телефон/факс: (+99871) 268-17-44.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.

**Х.А.Акилов**  
Председатель Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**  
Ученый секретарь Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Д.А. Асадов**  
Председатель Научного семинара при Разовом научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «население во всем мире стареет, и в скором времени ожидается, что количество лиц старше 65 лет превзойдет количество детей в возрасте до пяти лет. Демографическое старение населения порождает экономические проблемы, увеличивая потребность на систему здравоохранения и социального обеспечения. В настоящее время, почти 40% расходов здравоохранения затрачиваются лицам старше 65 лет для их долгосрочного ухода и госпитализации»<sup>1</sup>. Эти демографические и эпидемиологические изменения в сочетании с быстрой урбанизацией, модернизацией, глобализацией и сопутствующими изменениями факторов риска и образа жизни усилили распространение среди населения, особенно среди пожилых людей, хронических заболеваний, снижение физической активности и качества их жизни.

По всему миру увеличение групп пожилых пациентов с множественными хроническими заболеваниями приводит к определенным медицинским, социальным, экономическим, политическим, культурным, психологическим и бытовым проблемам пожилых людей. В связи с этим, повышение качества и доступности паллиативной помощи, формирование навыков здорового образа жизни у пожилых людей, снижение обострения заболеваний и их осложнений являются актуальными задачами сегодняшнего дня.

В нашей стране последние годы проводятся широкомасштабные меры по дальнейшему совершенствованию службы медико-социального обслуживания лицам пожилого и старческого возраста. В этой связи, в нашей Республике определены задачи, направленные на «создание современной модели долговременной медицинской помощи гражданам пожилого и старческого возраста, оказание социальной и медицинской помощи на дому, повышение качества и доступности геронтологической помощи, предусматривающей социальное и медицинское обслуживание на дому и ряд других мер»<sup>2</sup>. Для реализации этих задач важное значение приобретает углубленное комплексное изучение состояния здоровья, заболеваемости, образа и качества жизни лиц пожилого и старческого возраста, разработка мероприятий по улучшению качества и эффективности оказываемых им медико-социальных услуг.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, №УП-4782

---

<sup>1</sup> World Health Organization, Global health and ageing. 2011, US National Institute on Ageing Bethesda.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

«О мерах по дальнейшему совершенствованию системы социальной поддержки и медико-социальной помощи уязвимым слоям населения» от 22 февраля 2016 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2705 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки престарелых и инвалидов» от 28 декабря 2016 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящая работа выполнена в соответствии с одним из приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

